



# IJOYDIY PARVOZ

2016/04 №37

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

9 АПРЕЛ — СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ШОҒИНА КҮНИ



Табризда масжид, Шерозда сарой, Боғдодда мадраса, Туркистонда Аҳмад Ясавий мақбараси, Шаҳрисабзда Оқсарою, Самарқандда Кўксарой ва Бўстонсаройлар, Бибиҳоним мадрасаси, Боғи Дилқушодан Боғи Майдонгача етти чорбоғ, Бухорода Чашмаи Аюб ёдгорлиги ...Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо таъбири билан айтганда, «Ҳатто моҳир усталари бўлган Парижда ҳам ушбу ишлар ўта гўзал ҳисобланган бўлар эди». Ана шундай ажойиб иншоотлар бунёдкори — 680 ёшни қаршилаган Муҳаммад Тарағай Баҳодур ўғли Амир Темурни, том маънода, давр меъмори дейиш мумкин.

Ўз вақтида амалга оширилган юзлаб ободончилик ишлари бобокалонимизни моҳир санъаткор сифатида намоён қилади. Мамлакат шаҳарларидан ташқари Боғдод, Дарбанд, Байлакон ҳудудларининг қайта қурилиши, Шарқ ва Ғарбни боғлаб турувчи қадимий карвон йўллариининг тикланиши шундан далolat. Мазкур ишлар кўламини тасаввур қилиш учун Ибн Арабшоҳнинг «Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур» («Темур тарихида тақдир ажойиботлари», 1436 йил) асаридан келтирилган биргина мисолга эътибор қаратиш kifoya: «Самарқанд билан Кеш ўртасида бир бўстон барпо этиб, унда бир қаср қурдирди ва уни Тахта қарача деб атади. Ҳикоя қиладиларки, қаср қурувчиларидан бировининг бияси йўқолиб, олти ой шу бўстонда ўтлаб юргандан кейин уни топиб олган».

Франция, Англия, Кастилия ва Леон қироллари Карл VI (1380—1422), Генрих IV (1399—1413), Генрих III (1390—1407) эътирофига кўра, Соҳибқироннинг ҳарб илми, жанг маҳорати борасида ҳам уста санъаткор бўлганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли. Тарихчи Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур кўшинни етти кўлга (корпусга) бўлиш тажрибасини биринчи бўлиб жорий қилган. Пиёда қисмларни ҳужумкор маррага ташлаш усулини ҳам илк бор тажрибадан ўтказган. Саркарданинг Европа ҳалоскорига айланиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Бироқ буюк салтанат ҳукмдорининг бирламчи санъати, шубҳасиз, «рости расти», яъни адолат билан тўғри муомала қила олганлигидир. Мазкур мезон теғрасида Соҳибқирон фазилатлари юзага чиқади, бугунги эъзозу шарафлар ҳам шунинг натижаси. Шояд, олти асрдан буён кишиларни ҳайратга солиб келаётган Соҳибқирон санъати асрори ҳам одилликдир.

Азиз МАТЁҚУБОВ

Санъат назарияси ва тарихи мутахассислиги  
1-курс магистранти



Тинчлик ҳукмрон юртга байрам ярашади. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти илм даргоҳи эканлиги билан бир қаторда чин маънодаги байраму тантаналар ҳамда тадбирлар масканидир.

Минг йиллик юксак маданий тарихга эга бўлган ўзбек халқининг бирор бир байрами институт жамоасининг эътиборидан четда қолмайди. Мана барчамиз институт жамоасининг кўклам байрами бўлмиш Наврўзи айёмни ўзгача бир шукуҳ билан кутиб олганини гувоҳи бўлдик.

Ўзбек халқининг энг қадимги байрамларидан бири Наврўз ҳисобланади. Наврўз — янги кун маъносини ифодалайди. Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асаридан Наврўз байрами шох Жамшиднинг тахтага ўтирган кунидан бошлаб нишонлангани ҳақида маълумот беради. Баҳорги кун ва туннинг тенг келиш кунини 3-4 минг йил олдин кашф қилиш, 21 мартни янги йил байрами сифатида тантанали нишонлашнинг ўзи юртимизда илм тараққиёти қанчалар ривожлангани ҳақида маълумот беради. Куёшнинг ҳамал буржиги киришини аниқ белгилаш астрономия фани кашфиёти ҳисобланади. Фирдавсий, Умар Ҳайём, Алишер Навоийнинг асарларида байрамни ўтказиш тарихи, одатлари ҳақида тафсилотлар бор.

Умар Ҳайём Наврўз кунини бош қоҳин подшоҳ олдида май тўла олтин жом, узук, дирҳам, динор, арпа

ниҳоли, қилич, ўқ-ёй, довод ва қаламдан иборат совға олиб келишини ва табриклар изҳор қилишини ёзади. Наврўз кунини, шу кун атрофида одамлар кўк сомса, кўк чучвара, кўк варақи-сомса, сумалак ва бошқа турли таомлар тайёрлаганлар. Тошкентда ҳалим пишириш одати бўлган. Наврўзда махсус халқ кўшиқларини айтиш расм ҳисобланган. Улардан жарчилар кўшиғи, «Наврўз келди, ёз келди», «Наврўз» ўланлари машҳур эди.

Наврўз тантаналарининг юқори шукуҳда ўтганлигини институт ректори, профессор Бахтиёр Сайфуллаев томонидан уюштирилган сумалак сайли мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Сумалак олдида тарқатилган паловхонтўра эса талабалар турар жойида яшовчи талабаларни хушнуд этди. Куй-кўшиқ авжида. Барча шод-хуррам. Дошқозон тўла сумалак бошида ниятлар чексиз.



Эрта тонг. Институт ҳовлисида сумалак ҳиди-ю баҳорий кўкатлардан тайёрланган таомлар ифори ёғила



бошлади. Ҳаво очиқ, куёшбобо нурини бир меъёрда улашмоқда. Ҳовлида қад ростлаган саҳна атрофи талабалар билан гавжум.

Тадбирни очиб бериш учун сўз олган институт ректори, профессор Бахтиёр Сайфуллаевнинг сўзлаган нутқи эса йиғилганларда катта таассурот уйғотди. Она юртга муҳаббат, осойишта кунларга шукроналик ҳисси қалбларда жўш урди. Истеъодли талабалар томонидан намоён этилган миллий рақс, куй ва кўшиқлар, турли саҳна кўринишлари байрамнинг кўтаринкилик тароватини таъминлаб берди. Институт кафедралари иштирокида байрам дастурхонини безатиш бўйича ўтказилган баҳс ҳам ўзгача руҳда қизгинлик билан давом этди.

Барно НУРМАНОВА

Касб таълими: кўғирчоқ театри актёрлиги таълим йўналиши 3-курс талабаси,  
Моҳларойим АҲМЕДОВА  
Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 2-курс талабаси



## «ЮКСАК БАДИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ»



### мавзусидаги талабаларнинг анъанавий илмий-назарий ва амалий конференцияси

Ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, касб малакаси, маънан ва руҳан баркамоллиги жамият тараққиётининг ўлчов бирлигига айланиб бормоқда. Шу боис, юртимизда ёшларни сиёсий-ижтимоий жараёнларга муносабатини шакллантириш, амалга ошириладиган ислохотларда фаол иштирок этишлари учун етарли шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: «*Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим*».

Шу маънода, таълим муассасаларида ўтказиб келинаётган илмий анжуман ва конференциялар бевосита ёшлар салоҳиятини юксалтириш, соҳа илмини пухта эгаллаши ва малакали кадрлар бўлиб етишишига хизмат қилиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида ҳам талабалар илмий-амалий

ни беришди. Маърузачилар ҳам саволларга дадил, аниқ ва назарий далиллар мисолида жавоб қайтаришди.

Лойиҳага кўра, куннинг иккинчи ярми 62 нафар иштирокчининг маърузалари беш гуруҳдан иборат шўъбаларда мос тарзда тақсимланган ҳолда ўз ишини давом эттирди. Иштирокчилар маърузалари ўзининг тадқиқот йўналишига кўра қуйидаги шўъбаларга бўлинди: «*Ёш санъатшунос кадрларнинг илмий салоҳиятини ривожлантириш масалалари*» (16 та маъруза); «*Ёшларни маънан юксак ва жисмонан баркамол этиб тарбиялашда театр ва кино санъатининг роли*» (14 та маъруза); «*Ёшлар тарбиясида педагогик ва психологик билимларнинг ўрни*» (11 та маъруза); «*Халқ ижодиёти, чолғу ва мусиқа ижрочилиги санъатининг назарий муаммолари*» (11 та маъруза); «*Маданият ва санъат муассасалари бошқарув тизимида давлат сиёсати*» (10 та маъруза).



конференциясининг ўтказилиши яхши анъанага айланган. Жорий йил «**Юксак бадий ва интеллектуал салоҳиятли ёшлар тарбиясининг долзарб муаммолари**» мавзусида бўлиб ўтган конференция қатор масалаларни тадқиқ этгани билан аҳамиятлидир.

Конференцияни институт ректори, профессор Бахтиёр Сайфуллаев кириш сўзи билан очиб берди. Сўнгра конференциянинг Ялпи мажлисига тақдим этилган маърузалар тингланди. Хусусан, «*Драматургик маҳорат фанининг ўқитилишида замонавий тамойиллар*» (С.Рустамов 3-курс Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши талабаси, илмий раҳбар: доцент Т.Қозоқбоев), «*Алишер Навоий ижодида театр санъатининг назарий талқини*» (Г.Нуратдинова Нукус филиали 3-курс Фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик таълим йўналиши талабаси, илмий раҳбар: тарих фанлари номзоди, доцент П.Палуаниязов), «*Ўзбек фольклор санъати ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни*» (З.Мирхайтова 3-курс Фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик таълим йўналиши талабаси, илмий раҳбар: техника фанлари номзоди, доцент Т.Файзиев), «*Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «моодле» тизимини ўқув жараёнига татбиқ этиши*» (А.Расулов 1-курс Ижтимоий-маданий фаолият таълим йўналиши талабаси, илмий раҳбар: катта ўқитувчи М.Савочкин) каби санъат ва маданият масалаларининг турли аспектига бағишланган долзарб мавзудаги маърузалар тингланди.

Ялпи мажлисдаги маърузаларнинг барчаси баҳс-мунозараларга бой бўлиб, йиғилганларни бефарқ қолдирмади. Талабалар билан биргаликда уларнинг илмий раҳбарлари ҳам маърузачиларга мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволлари-

Бу йилги конференциядан кўзланган мақсад — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та шоҳ асари бўлмиш «*Юксак маънавият — энгилмас куч*», «*Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида*», «*Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир*» номли асарларида илгари сурилган ғояларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб олиш орқали, соҳани ривожлантириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни белгилаб олиш ҳамда мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга қаратилганлигидадир.

Шўъба таркибида маъруза ўқувчи иштирокчиларнинг тартиби тадбир дастурида берилган бўлиб, ҳар бир шўъбада раис ва котиблар белгиланган. Ўтган конференциялардан фарқли ўларок, бу сафар шўъба модераторлари қилиб бакалавр талабаларига намуна бўлувчи магистрлар қаторида катта илмий ходим-изланувчилар ҳам тайинланди.

Тадбир натижаларига кўра, шўъбалардан энг яхши тақдимотлар танлаб олиниб, ташкилий кўмитага тақдим этилди. Куннинг иккинчи ярмида конференциянинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда шўъба раислари ўзларининг хулосалари, шўъба ғолиблари ҳамда тадбир юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Конференция сўнггида ялпи мажлисда маъруза қилган 4 нафар талаба ҳамда ҳар бир шўъбадан 2 нафар маърузачи энг яхши маърузаси учун «Диплом», қолган барча иштирокчилар эса «Фахрий ёрлиқ» ва институтимиз томонидан тайёрланган махсус совғалар билан тақдирланди.

**Маҳлиё ТЕШАБОВЕВА**  
Театр санъати мутахассислиги  
1-курс магистранти, матбуот бўлими бошлиғи



# САНЪАТГА БАХШИДА УМР



Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова театр саҳнасида эллик йилдан зиёд ижод қилиб келаётган актрисалардан. Биз санъаткорни «Уфқ»даги Жаннат хола, «Нодирабегим» спектаклидаги Нодирабегим, «Келинлар қўзғалони» спектаклидаги Сотти келин, «Абдуллажон» бадиий фильмидаги она роллари орқали жуда яхши таниймиз.

Тўти Юсупова ижро этган ролларни таҳлил қилар эканмиз, уни бир қолипга мослашиб қолмаганлигини, турли хил қаҳрамонларнинг ички ҳолатини, ўй-кечинmalarини очиб беришга интилаётганини кўрамиз. Бундай образларни яратишда унга, албатта, театрдаги

устозлари Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбурглар кўмакдош бўлдилар.

Бугунги кунда Тўти опа Миллий театримизда фаолият олиб бориш билан бир қаторда, ўз соҳасида орттирган тажрибаси, билимларини ёшларга ўргатиб, уларга тўғри йўл кўрсатишда ёрдамни аямай келаётган устоз санъаткорларимиздандир.

— Ёшликда инсон чарчас нима эканини билмас экан. Ҳам тинимсиз меҳнат қилади, ҳам меҳнатлари мевасини тезда кўргиси келади, — дейди Тўти опа, — Бу ўша вақтлар таъсири бўлса керак. Ўша пайтлар ишим қолиб кетаётгандай, барчасини қилишга улгурмаётгандай бўлардим. Умримнинг эллик йилидан ортиқроғи театрда ўтганини сезмай қолибман. Баъзан нима қилдим, нима қилишга улгурмадим деб ўйланиб қоламан. Нодирабегимнинг бир мисраси доим қўлоғим остида жараглаб туради — «Мақсад не эди, жаҳона келдинг, кайфиятинг баён этиб кет». Умр бир бора берилади, вақт эса аёвсиз ўтиб бораверади.

А.Роблеснинг «Монсерро» асари асосида режиссёр Т.Хўжаев саҳналаштирган «Ўлимдан кучли» спектаклида актриса она ролини ижро этади. У бу ролга шу қадар кириб борадики, онанинг ички ҳиссиётлари, қалб тугёнларини тўлақонли очиб беришга интилади.

Образларини талқин этишда актрисамиз миллий урф-одатларимизга, табиатимизга, меҳр-оқибатимизга алоҳида ургу беришлари ҳам, уларнинг ўз соҳасининг билимдони эканини англади. Хоҳ салбий, хоҳ ижобий образ бўлсин Тўти Юсупова олдида қўйилган вазифани тўлақонли бажара олади. Театр саҳнасида актрисамизни элга танитган образлардан яна бири Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғалони» спектаклидаги Сотти образи. Юксак маҳорат билан ижро этилган бу образ мана орадан йиллар ўтган бўлса ҳам томошабинларнинг кўнглидан, кўз олдидан кетмайди.

— Ролларингизни ҳаммаси ҳам муваффақиятли чиқавермайди, «Сотти»ни шу маънода омадли рол деб аташ мумкин. Гарчи унинг феъл-атвори, дунёқараши, атрофдаги яқинларига бўлган муносабати менга ёқмас-да, негадир шу образ орқали бор маҳоратимни кўрсатишга уринганман ўшанда. 40 ёшли аёл учун икки соат саҳнада югуриб юришининг ўзи бўлмайди. Лекин, спектакл сўнгида томошабинларнинг олқилари, кучоқ-кучоқ гуллар, бор чарчоқни чиқариб юборар эди. Бунинг ҳам ўз гапиди бор экан.

Актрисамиз театр билан бир қаторда кўпгина кино ва видеофильмларда ҳам роллар ижро этганлар. Унинг «Абдуллажон» фильмидаги Холида образи томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. У бу образ орқали ўзбек аёлининг болажонлигини, унинг содда ва самимийлигини кўрсатишга ҳаракат қилади.

Яқинда 80 ёшни қаршилаган устоздан биз яна узоқ вақт мобайнида баркамол образларни кутиб қоламиз.

Шаҳзода ХОЛМИРЗАЕВА

Театршунослик таълим йўналиши 2-курс талабаси

## САҲНАДА «ҚАРОҚЧИЛАР»

Ижод асло чегара билмайди. Замону маконлар ошиб, умуминсоний гоёларни акслантираётган адабиёт, драматургия, санъат намуналари борки, саҳнада такрор-такрор умр мезони яратилаверади. Талабалар томонидан классик асарларнинг саҳнага олиб чиқилиши ўтган ва ҳозирги давр орасида уйғунликни юзага келтирмоқда. Фридрих Шиллер асарлари ҳам шулар жумласидандир. Касб таълими: эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги таълим йўналиши талабалари талқинидаги «Қароқчилар» диплом спектакли ўқув театри репертуарига қўшилди. Асқал Мухтор таржимаси асосида «Актёрлик маҳорати» фани ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ артисти Марат Азимов, курс бадиий раҳбари, доцент Жаҳонгир Маматқосимовларнинг уч йиллик меҳнатлари самараси намойиш давомида ўз кучини кўрсатди.

Спектакл талқини доирасида эзулик ва ёвузлик ўртасида борган кураш бадиий-гоявий ҳусусият касб этади. Ҳаризлик оқибатида ёлгон асирга айланган қисмат ҳамда жаҳолатнинг охир-оқибат ўз-ўзини нобуд қилиши адолат тантанасидан дарак бериб туради.

Курс талабалари маҳорати билан уйғунлашган саҳна декорацияси ва бошқа компонентлар қўзланган мақсадни юзага чиқаришга қаратилган. Асарда синтезни таъминлашга берилган эътибор: мусиқа, либос, грим характерларнинг очилишига хизмат қилганини билдиради. Ўзига хос ютуқларидан бош қаҳрамон Карл Моор, икки талаба С.Ғафоров кейинги саҳналардан А.Маҳмудовлар томонидан ижро этилиши бир қиёфада икки хил ургу бе-



рилган характерни ифодалайди. Бирида важоҳат бирида эса муҳаббатнинг кучи устунлик қилади. Гуруҳ талабаси Ю.Зайниддиновнинг уч рол қароқчилар тўдасининг аъзоси, роҳиб ва хизматкор кўринишларида чиқиб, мутлақо бегона қиёфаларни гавдалантириши актёр маҳорати ила спектаклга ўзига хос руҳ бағишлади. Ютуқ бор жойда камчиликларнинг ҳам учраши табиийдир. Бошланишидаги баъзи саҳналарнинг чўзилиб кетиши томошабинларнинг диққатини бўлиниши ҳамда зерикиб қолишидаги сабаблардандир. Якун пайтида Франц Моор — Ж.Раҳимжонов қилган барча ёвузликлари учун ўзини ўзи нобуд қилиши энг муносиб жазо дейиш мумкин, бироқ ака-укаларнинг юзмаюз бўлиб ўтган воқеалардан сўнг учрашувлари асарда илгари сурилган гоёнинг муносиб ечим топишини таъминлаши олдин саҳналаштирилган мазкур асарнинг талқинларида намоён бўлган. Умуман олганда, инсон ички дунёси, доимий курашлар, ташқи ва ички конфликтлар ёритилиши ижодий жамоанинг қўлга киритган муваффақиятидир.

Баҳодир ОМОНБОЕВ

Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги таълим йўналиши 3-курс талабаси, матбуот бўлими аъзоси

## МАҲОРАТДА ТОВЛАНГАН МЕҲНАТ

Институтимиз маҳорат мактабининг имтиҳон зали бўлмиш ўқув театрида 3-курс Эстрада актёрлиги санъати таълим йўналиши т а л а б а л а р и н и н г «САНЪАТорий» ёхуд «Юлдузлар жилоси — юлдузчалар нигоҳида» деб номланган театрлаштирилган катта шоу концерти бўлиб ўтди.

Концерт Шаҳзод Маъруфов, Темур Тўраевларнинг Ўзбекистон халқ артистлари Сойиб Хўжаев ҳамда Эркин Комилов сингари ўзбек санъати даргаларига бўлган тақлид қиёфалари билан бошланди.

Саҳна нутқи ўқитувчилари, профессор Исоқтой Жуманов, Райҳон Уласенова талабаларнинг нутқий саводхонлигини бойитишда ижобий натижага эришишган. «Sheva.uz» намойишидаги импровизация бу борада алоҳида таҳсинга лойиқдир. Назарий ва амалий билимларнинг уйғунлиги албатта ўз самарасини кўрсатмай қолмайди. Саҳна ҳаракати ва саҳна жанги ўқитувчилари, профессор Арсен Исмоилов, Раҳимжон Дўсанов ҳар бир талабанинг ана шу уйғунликдаги маҳоратини ўстиришган. Дастурнинг кенг қамровли эканлиги, курснинг барча талабалари ўзига хос қиёфаларда намоён бўлганлиги курс раҳбарининг синчковлик билан ўз вазифасини адо этганлигини англади.

Эргашев Дилшод қиёфасидаги талқинда таниқли жаҳон юлдузлари Элвис Пресли, Фредди Меркьюри портретининг ишончли чизгилари кўринди. Дилшоднинг жиддий характердаги саҳна ҳаракатлари, ҳатто гавда тутиш борасидаги уйғунлик, ритм ва нигоҳлардаги ўхшашликка интилиш мураккаб жараёндир.

Концерт якунида Нозим Тешаев шеърӣ композицияни, Остонбеков Шаҳриёр ҳамда барча иштирокчи «юлдузлар» «Санъатнинг устозлари» номли бағишловни тақдим этишди.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ

Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 3-курс талабаси

## ҲИНДИСТОНДАН ХУШХАБАР

Ишхонада ҳисоботлар билан банд бўлиб ўтирган эдим, ёш таржимонлардан бири Юлдуз Ўрмонова табассум билан кириб келди. Ҳозиргина аэропортдан келганини, ўзбек тилига таржима қилганда «XXI аср жаҳон адабиёти» маъносини берувчи инглиз тилида нашр этилган китоб бу табассумнинг сабабчиси эканлигини айтиб, хурсандчилигига шерик қилди. Китобда юртимиз ижодкорларидан Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг шеърлари, атоқли ёзувчимиз Исажон Султоннинг ҳикояси инглиз тилига таржима қилиниб, китобнинг илк саҳифаларидан ўрин эгаллаган. Антологияни варақлаб Англия, Франция, Ҳиндистон, Канада, АҚШ, Италия каби дунёнинг кўзга кўринган давлатлари ижодкорларининг ижод намуналаридан берилганлигига гувоҳ бўлдим. Бир пайт бежирим китобни варақлаб туриб, беихтиёр шу жумлага кўзим тушди: «Now he is studying at Uzbekistan art and culture institute» («Ҳозирда у Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида таҳсил олмақда»). Бутун дунё китобхонларига тарқалиб, дунёнинг ҳамма бурчагидаги адабиёт ихлосмандларини хушнуд айлаб, институтимиз номини бутун дунё китобхонлари забонида янграшига эришган талабанинг ким эканлигига қизиқиб, таржимаи ҳолнинг илк қаторларига кўз ташладим. Таниш чеҳра, таниш тахаллус — Хушнуд Дарвеш.

Бу ижодкор бизга «Йилнинг энг яхши кўшиғи» деб топилган Баҳром Назаровнинг «Айрилдим» кўшиғи матни билан таниш эди. Бундан ташқари, Озодбек Назарбеков ижро этган «Бағлода нима гаплар?», Гулсанам Мамазоитова ижросидаги «Жоним асир» кўшиғи матни, Сардор Раҳимжоннинг «Санамжон», Алишер Файзнинг «Рашк қиласанми?», «Кел, бугун кўришамиз», Улуғбек Раҳматуллаевнинг «Қирмизи олма» каби бир қатор кўшиқ матнлари кўнглимиздан чуқур жой эгаллаган. Антологияда шоирнинг Ватан ҳақидаги шеърӣ инглиз тилида чоп этилишига муносиб топилгани ижодкорнинг серқирра эканлигини исботлади.

Айтганча, китоб Ҳиндистонда нашрга тайёрланган бўлиб, бутун дунёга жуда кўп тиражда тарқатилган. Эндиликда дунё китобхонлари Ўзбекистонда қандай ижодкорлар борлигига, институтимизда қандай истеъдодли талабалар таҳсил олаётганлигига яна бир карра гувоҳ бўлишди.

Шавкат ДЎСТМУҲАММАД

Саҳна ва экран санъати драматургияси таълим йўналиши 1-курс талабаси, матбуот бўлими аъзоси



## Я ЯНГИ ТАШАББУС, ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ

«Камолот» ЁИХ Васийлик кенгашининг 2015 йил 10 декабрдаги 65-сонли ҳамда мазкур баён билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури»га асосан мамлакатимиз ҳаётининг ҳар бир соҳасини ривожлантиришга ёшларни кенг жалб этиш, уларнинг иқтидори ва илмий салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ижодий тафаккур ва яратувчанлик қобилиятларини ривожлантириш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, «Камолот» ЁИХ ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида «Инновацион гоёлар» Республика кўрик-танлови ташкил этилди.

Санъат соҳасида инновацион лойиҳаларни татбиқ этиш ва соҳага тааллуқли ёш олимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур кўрик-танловнинг 1-босқичи институтимизда ҳам ўтказилди. Унда танловнинг 2 йўналиши бўйича институтимизда фаолият олиб бораётган ўнга яқин иқтидорли ёшлар иштирок этишди.

Танлов натижаларига кўра «Ахборот ва ахборот-коммуникатив технология-

ларни ривожлантириш йўналиши» бўйича А.В.Хмировнинг «Создание модуля предмету «Основы акустики» на отделении звукорежиссура» мавзусидаги, Э.С.Юлдашевнинг «Инновационные методы и современные технологические задачи решения проблем звукосилена и акустики в зале законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан» мавзусидаги лойиҳалари, «Механика, машинасозлик ва материалшунослик, пахта тозалаш, тўқимачилик, матбаа ва энгил саноат йўналиши» бўйича И.М.Меликўзиевнинг «Ўзбекистон номодий маданият меросини сақлашга қаратилган «Марғилон адраси» номли ишланмалари танловнинг республика босқичига тавсия этилди.

Таъкидлаш жоизки, инновацион тақлифларни қўллаб-қувватлаш мақсадида институтимизда ҳам атрофлича ишлар амалга оширилиб, «Инновацион гоёлар маркази» ташкил этилган. Марказ ёшларда кашфиётчиликка бўлган қизиқишни уйғотишга тарғиб этиш билан бирга иқтидорли, янгилликка интилувчан педагог ва талабаларга амалий кўмак ҳам бериб келмоқда.

Саидабор УМАРОВ  
Инновацион марказ котиби

## «ОБОД ЮРТНИНГ ОТАШИН СЎЗИ» ТАЪЛИМ МАСКАНИМИЗДА

«Обод юртнинг оташин сўзи» номли бадий ўқиш кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танлов икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда турли йўналишлар ва босқичларда таҳсил олаётган талабалардан 70 нафари иштирок этиб, улардан фақат 21 нафаригина иккинчи босқичга ўтишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Фатхулла Маъсудов, Меҳриддин Раҳматовлар, профессорлар Ҳамида Маҳмудова, Исоқтой Жуманов, доцентлар Омонулла Ризаев, Махсума Ҳожиматова, Севара Маҳмудовалар ҳайъат аъзолари вазифасини бажардилар.

Танлов давомида иштирокчи талабалар ўқиган шеърӣ ва насрий адабий асарлар мавзусининг долзарблиги, ижро маҳорати ва нутқий техник ифодавийлиги даражасига кўра ҳайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Биринчи ўрин Эркин Воҳидов қаламига мансуб «Инсоният тарихи» қасидасини ижро этган Давронжон Атажоновга, иккинчи ўрин Усмон Азимнинг «Бахшиёна» асарини ижро этган Ойбек Тоҳиров ва Н.Қобилнинг «Ҳумо қуши» асари ижрочиси Севара Ҳалимоваларга, учинчи даражали диплом Назокатхон Мўминова, Сардорбек Рашидов ва Анваржон Мирзаевларга насиб этди.

Севара МАҲМУДОВА  
Тиллар ва адабиёт кафедраси доценти



Каштан дарахти иссиқ ўлкаларда ўсаядиган дарахт бўлиб, унинг баландлиги 25-30 метргача бўлади. Каштан дарахти 2-3 минг йил умр кўриб, унинг ватани Болқон ярим ороли ҳисобланади. Бу дарахт мевасидан тиббиёт амалиётида Эскузан, Эсфлазид каби дори воситалари олинади, бу дорилар инсонда вена қон томирлар тонусини оширади ва вена орқали қон келиб организмни қон

билан таъминланишини кучайтиради, қон томирлар ўтказувчанлигини камайтиради. Капилляр қон томирларида қон айланишини яхшилади, яллиғланиш жараёнини олдини олади.

Бу дарахт манзарали кўринишга эга бўлганлиги учун боғларда, ҳиёбонларда экилади.

Бу дарахт институтимизда ректоримиз, профессор Бахтиёр Сайфуллаев ташаббуслари билан 2014 йилдан бошлаб

экилиб кўпайтирилмоқда. Ҳозирги кунда экилган каштан дарахтлари биринчи бор гуллаб, мева бериш арафасида. Бу дарахтлар биз айтгандек мева берадиган бўлса, бу халқимиз саломатлигини сақлашда катта аҳамиятга эга бўлган бўлар эди.

Тўра МАҲМУДОВ  
Жисмоний маданият кафедраси профессори

## ОЧЕРЕДНОЙ ДОЛГОЖДАННЫЙ МАСТЕР-КЛАСС

22-23 марта 2016 года во дворце искусств «Истиклол» прошли два незабываемых дня для магистрантов 1-го курса отделения Звукорежиссуры. Юлдашев Эльдар Садыкович в очередной раз на высоком уровне провел мастер-класс в рамках LIVE концерта (живое исполнение) Шухрата Каюмова.

После каждого такого мастер-класса у нас остаются огромные впечатления, опыт и самое главное рвение постигать мастерство звукорежиссуры. Каждый концерт со статусом LIVE (живое исполнение) мы ждём в предвкушении чего — то нового, интересного и незабываемого. Мы уверены, что лишь в рамках живого концерта мы можем получить возможность провести свое обучение с большим интересом в творческой обстановке созданной для нас Юлдашевым Эльдаром Садыковичем. Наши мастер-классы проходили в рамках концертов таких исполнителей как: Шахноз, Жaxonгир Отажонов, Гульсанам Мамазайтова, Машхурбек Раимжанов, Малика Эгамбердиева, Хожиакбар Хамидов, Полина Гагарина, Максим, Вера Брежнева и таких коллективов как группы «Би-2» и «Любэ».

Каждое практическое занятие, проведенное во дворцах искусств «Истиклол» и «Туркистан» а также на студии «Июсис» оставляет большой отпечаток в нашем сознании и положительно способствует нашей профессиональной подготовке. Мы благодарны за такую возможность нашему институту и преподавателю отделения Звукорежиссуры Юлдашеву Эльдару Садыковичу.

Станислав МАРКОВ

Магистрант 1-го курса направления Звукорежиссуры



## ОГОҲЛИК МЕНИНГ НИГОҲИМАА

Мамлакатимиз аҳолисининг асосан ёшлардан иборат салкам 12 миллион қисми ижтимоий сайтлардан фойдаланади. Муҳими, ана шу эҳтїёжни тўғри, мўтадил йўналишдаги маълумотлар, адабиётлар билан қондириш. Токи, ёшлар ёт гоёларга алданишига ўрин қолмасин.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, тенгдошим, сиз интернет тармоғидан нима учун фойдаланяпсиз? Ижтимоий тармоқ вақтингизни олиш учун қармоқ бўлмаяптими? Бундан кўринадик, мазкур масалада олтин ўрталикни сақлаб билмоқ бизнинг мунаввар келажакимиз учун катта аҳамиятга эга.

Юртбошимиз доимо таъкидлаб келадиган «Гоёга қарши гоё, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш» биз учун дастуриламал бўлиши лозим.

Диёра ҲИДОЯТОВА

Вокал жамоаларига раҳбарлик таълим йўналиши 1-курс талабаси

## Куні кеча

«Юксак бадий ва интеллектуал салоҳиятли ёшлар тарбиясининг долзарб муаммолари» мавзусидаги талабаларнинг анъанавий илмий-назарий ва амалий конференцияси материаллари тўплами нашрдан чиқди. Иккинчи бор нашр қилиниб, конференция куні тақдим қилинган тўплам анжуман иштирокчилари учун чин маънода катта тўхфа бўлди.

Тўпламда 66 нафар талабанинг мақоласи фотосуратлари билан бирга жамланиб, институт ректори, профессор

Б.Сайфуллаевнинг кириш сўзи билан бошланади. Унда институт бакалавр талабаларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг шоҳ асарлари бўлмиш «Юксак маънавият — энгилмас куч», «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида», «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажак йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» номли китобларида илгари сурилган гоёларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш ва соҳани ривожлантириш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш, мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини топиш масалаларига оид мақолалари ўрин олган.

ТАҲРИРИЯТ

## Атиргул

Уйғониб эрталаб тонг саҳар чоғда, Бетакрор манзаранинг гувоҳи бўлдим. Саноқсиз атиргуллар очилган боғда, Рухимга энгиллик берганин сездим.

Мен жуда ошиқман атиргулларга, Бир лаҳза ифоридан баҳра олмаққа. Табиат атагувчи рангни гулларга, Бўяб пушти, сариқ, қизил ва оққа.

Нафислик назокати гулда кўринган, Илдизлари бақувват, тиканли бирам. Куёшга интиқиб бўйларин чўзган, Япроқлари яшил, нақадар кўркам.

Жилоланган чиройлари кўзларни олар, Ифори хуш ёқиб дилларни чоғлар. Қаранг гуллар шайдоси арилар кўнар, Гулларнинг маликаси атиргул бўлар.

Феруза ГАЙПОВА

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш таълим йўналиши 3-курс талабаси

## Шухабдам

Мудраган руҳимни уйғотган, Ўйнатиб, қулдириб, йиғлатган, Юракни ўртаган, тиглатган, Бир ажиб туйғусан, муҳаббат!

Ситора ТОНПЎЛАТОВА  
Ректорат ходимаси

## Муассис

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир  
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир ҳайъати:  
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА  
Ҳамдам ИСМОИЛОВ  
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА  
Умид ҲАСАНОВА  
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ  
Рашид УСНАТОВ  
Маъсул котиб:  
Соҳиб ҲОТАМОВ  
Саҳифаловчи-дизайнер:  
Умид ҲАСАНОВА

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри М.Улуғбек тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй  
Тел.: +99890 349 71 72;  
+99871 230 28 13  
www.dsmi.uz; dsmi\_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охириги 1афласида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.  
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машвал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан 2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

Газета институтнинг таҳририят ва нашриёт бўлимида тайёрланди. Ўлчами — А2, ҳажми — 1 босма табоқ. Нусхаси — 1400 дона. Баҳоси келишилган нарҳда. Чоп этишга 02.04.2016 да топширилди.